

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРДИБОЕВ ДИЛШОД ХАМИДОВИЧ**

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИ  
ҚЎЛЛАБ, ГЕОМЕТРИЯНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ВА АМАЛИЁТИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
докторской философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Турдибоев Дилшод Хамидович**

Академик лицейларда педагогик технологияни қўллаб, геометрияни ўқитиш методикаси ва амалиёти . . . . . 5

**Турдибоев Дилшод Хамидович**

Практика и методика преподавания геометрии в академических лицеях с применением педагогической технологий. . . . . 22

**Turdiboev Dilshod Khamidovich**

Methodology and practice of teaching geometry by using pedagogical technologies at the academic lyceums. . . . . 34

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works . . . . . 34

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРДИБОЕВ ДИЛШОД ХАМИДОВИЧ**

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИ ҚЎЛЛАБ,  
ГЕОМЕТРИЯНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ВА АМАЛИЁТИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Ped322 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тожиев Мамаражаб**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Сатторов Эрмамат Норкулович**  
физика-математика фанлари доктори, доцент

**Тайлақов Норбек Исақулович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz))

Диссертация билан Самақанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Х.И.Ибраимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ш.Ураков**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида таълимга мамлакат тараққиётининг келажагини қафолатловчи асосий омил сифатида қаралиб, педагогик технологияларни таълим мазмунига сингдириш, жумладан, геометрия таълими мазмуни назарий ва амалий жиҳатдан бойитиш, геометрия ўқув фанининг замонавий ўқув-методик таъминоти имкониятларини ошириш, аниқ фанларга ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилиш ва уни янада такомиллаштириш борасида кенг миқёсда изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, АҚШ ( Jackson Middle School–A speciality School for math), Германия (Bilingual School), Корея (Dulwich School Seoul), Буюк Британия (Early Colleges High School) сингари ривожланган давлатларда таълим жараёнини дифференциал ва индивидуал ёндашувлар интеграцияси асосида ташкил этиш ва амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида умумтаълим мактаблари ва ихтисослаштирилган лицей ўқувчиларининг геометрия ўқув фанидан назарий билими ва амалий кўникмалари, мантикий тафаккури, геометрик теоремаларни мустақил исботлай олиши, масалаларни мустақил еча олиши сингари малакаларининг шаклланганлик даражасига геометрия ўқув фанидан билимлар сифатини аниқловчи асосий мезон тарзида ёндашилади. Бунда: геометрия ўқув фани мазмунига технологик ёндашув тамойиллари устуворлигини сингдириш; ўқувчиларда геометрик теоремаларни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил исботлаш кўникмасини шакллантириш; геометрия ўқув фанидан дидактик ўқув мақсадларига эришиш бўйича махсус топшириқлар тизимини яратиш; замонавий педагогик технологиялар асосида геометрия ўқитиш методикаси илмини такомиллаштириш кабиларга асосланилади.

Мамлакатимиз ҳаётида олиб борилаётган кенг сиёсий ва ижтимоий ислохотлар доирасида йўналишли академик лицейлар таълими сифатини ошириш, таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникатив технологиялар ҳамда электрон таълим ресурсларини татбиқ этиш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг 3.4-бандида: “Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш ўқув-тарбия жараёнига янги таълим дастурлари, замонавий педагогик технологиялар ва smart-технологияларини жорий қилиш орқали ўқитиш сифатини яхшилаш”<sup>1</sup> асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб қўйилган. Ушбу стратегияда белгиланган вазифаларни бажариш барча фан ўқитувчилари ва шу соҳада тадқиқот ишлари олиб бораётган илмий изланувчиларга катта масъулият

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони//“Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 22 сентябрь.

юклайди. Фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалар асосида таълимга педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш сифатини янада оширишга эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ихтисослаштирилган академик лицейларда геометрия ўқув фанидан назарий билимларни амалиёт билан боғланган ҳолда бир тизимга келтириб ўқувчиларга етказиш учун ўқув материалларининг назарий ва амалий жиҳатдан чуқур, кенг мазмунли шаклда танланиши ва геометрия таълимида педагогик технологиялардан фойдаланишни амалиётга татбиқ қилиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон, 2018 йил 21 сентабрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5544-сон Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори ижроси ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда, ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” деб номланган устувор йўналиши мазмуни доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунга қадар республикамиз таълим тизимининг барча бўғинларида, жумладан, умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-хунар таълими йўналишларида математика фанини ўқитиш соҳасига оид бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, Ж.Икромов, Н.Ғайбуллаев, Д.Юнусова, Х.И.Ибрагимов, Н.Шодиев, М.Баракаев, Б.Абдуллаева каби олимлар математика ўқитиш методикасини такомиллаштириш, М.Тожиев, А.Ортиқбоев, Н.Жумабоев, Ч.Э.Мирзаев, С.Алихонов, И.Исроилов, З.Пашаевлар таълимнинг барча йўналишларида геометрия фанини ўқитишнинг назарий-методик ва амалий жиҳатларини ривожлантириш, Р.Х.Жўраев, Ф.Зокирова, У.Ш.Бегимқулов, Н.И.Тайлоқов, А.А.Абдуқодиров, Б.Зиёмухаммедов, Ж.Толипова, М.Файзиев, Т.Ғоффорова сингари мутахассислар эса ушбу йўналишда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этганлар. Мазкур тадқиқот ишининг предмети, мақсади ва вазифаларини белгилашда юқоридаги олимларнинг назарий ва амалий қарашларидан дастуриламал сифатида фойдаланилди.

Хориж мамлакатларида таълимнинг методологик асосларини белгилашда Я.А.Коменский, Ю.К.Бабанский, Ю.М.Колягин, М.И.Махмутов, И.Я.Лернер, П.Я.Гальперин, В.А.Извозчиков, Г.К.Селевко, Е.Н.Рогановская хусусан, геометрия ўқув фани таълими методикасини такомиллаштиришда

А.Н.Колмогоров, А.Погорелов, Л.С.Атанасян, А.П.Ершов, Р.В.Гангус, А.П.Киселев, Н.А.Каллаур, Я.И.Перельман, М.В.Егупова, С.Н.Скарбич, С.Г.Манвелов, Е.А.Пахомова, Ю.В.Герман, Б.Г.Зив, Э.И.Айвазян, Ю.А.Бурлев, Г.А.Буткин, Е.С.Ветошкина, Ф.Н.Гоноболдин таълим жараёнини технологиялаштиришда эса В.П.Беспалько, М.В.Кларин, Е.И.Машбиц, И.В.Роберт, Z.Robert, А.И.Жук каби олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Диссертацион тадқиқотда бу олимларнинг изланишларидан ҳам умумий ҳолда фойдаланилди.

Лекин, шуларга қарамай, юқоридаги илмий тадқиқот ишлари таҳлили асносида геометрия ўқув фанини ўқитишдаги бир қатор муаммолар: мазкур ўқув фани таълимнинг педагогик имкониятларига етарлича эътибор қаратилмаганлиги, педагогик технологиялардан фойдаланиб геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришнинг педагогик асослари тадқиқ этилмаганлиги, йўналишли академик лицейларда геометрия ўқув фанини педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикаси мукамал ишлаб чиқилмаганлигини кўриш мумкин. Мазкур диссертация ихтисослаштирилган академик лицейлар геометрия таълимидаги шу каби долзарб муаммоларнинг ечимига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида бажарилиши 2015 – 2017 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар дастурлари» доирасидаги А-1-33 – «Олий таълим муассасаларидаги ўқув фанларининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти («Математика ўқитиш методикаси» таълими йўналиши мисолида)» мавзусидаги амалий лойиҳалар билан боғлиқ.

**Тадқиқотнинг мақсади** академик лицейларда педагогик технологиялар асосида геометрия ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

академик лицейлардаги геометрия таълимининг ҳозирги кундаги ҳолатини ўрганиш, уни ўқитиш методикасини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда ўқувчиларда теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантириш талаблари ва ўзлаштириш кўрсаткичларини белгиловчи педагогик мезонларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаштириш;

академик лицейларда геометрия таълими мазмунига технологик ёндашув тамойилларини яратиш ва улар орқали ўқув фанини ўқитиш жарёнининг методик тизимини такомиллаштириш;

геометрия ўқув фани мазмунини такомиллаштиришда табақалаштириш ва индивидуаллаштириш усулларида фойдаланиш, ўқув материаллари ҳамда топшириқлар тайёрлашда дидактик ўқув мақсадларини ўзлаштириш даражалари устуворлигини таъминлаш;

геометрия ўқув фанидан замонавий ахборот технологиялар воситаси имкониятларидан фойдаланиб педагогик лойиҳалаш технологиясини ишлаб чиқиш асосида ўқувчиларнинг билимини назорат қилиш жараёнини такомиллаштириш;

педагогик технологиялар асосида геометрия ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида академик лицейларда педагогик технологиялар асосида геометрия ўқув фанини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги академик лицей ўқувчилари жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** академик лицейларда геометрия ўқув фанини педагогик технологиялар асосида ўқитиш мазмуни, шакли ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари** тадқиқот мавзусига оид илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ишларни таҳлил қилиш, педагогик тажриба ва кузатиш усуллари, анкета сўровлари, тест, суҳбат, математик-статистик таҳлил.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришнинг асосий талаблари ва ўзлаштириш кўрсаткич (назарий, амалий, мантиқий, дедуктив ва индуктив хулоса)ларини аниқловчи педагогик мезонларнинг ўзаро алоқадорлиги квалиметрик кўрсаткичлар асосида аниқлаштирилган;

академик лицейлардаги геометрия ўқув фани таълим мазмуни технологик ёндашув(ўқув материални: табақалаштириш, индивидуаллаштириш, таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражалари билан боғлаш, ўз-ўзини ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва қайта ўзлаштиришга имконият яратиш) тамойиллари асосида такомиллаштирилган;

академик лицейлардаги геометрия ўқув фани мазмунини билимларни чуқур ўзлаштиришни назарда тутадиган дидактик ўқув мақсадлари асосида ўқув материални ўзлаштириш (билиш, тушуниш, амалда қўллаш, таҳлил, синтез, хулоса яшаш) даражалари бўйича топшириқлар тузиш усуллари ишлаб чиқилган;

замонавий ахборот технологиялари воситасидан фойдаланиб, ўқувчиларни геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантириш (ўқув материални: таянч тушунча ва таянч теоремаларга ажратиш ўргатиш, босқичма-босқич ўзлаштириш) хусусиятлари устуворлиги асосида ўқувчилар билимини назорат қилиш жараёни такомиллаштирилган;

академик лицейлар геометрия таълими жараёнида педагогик технология имконият(педагогик мезонлар, технологик ёндашиш тамойиллари, ўзлаштириш даражалари бўйича топшириқлар ишлаб чиқиш, АКТдан фойдаланиш)лари устуворлигини таъминлаш асосида геометрия ўқитиш методикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



Ўқувчиларнинг геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил исботлаш ва масала ечиш кўникмасини шакллантирувчи дидактик ўқув мақсадлари асосида ўқув материаллари ишлаб чиқилган;

академик лицейлар учун геометрия ўқув фанидан замонавий педагогик ва ахборот технологиялар воситаси имкониятларидан фойдаланиб, “Геометрик теоремаларни исботлашга ўргатувчи дастур” номли электрон ўқув-дастурий қўлланма ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига жорий этилган;

академик лицейлар ўқувчиларида геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмаларини шакллантиришга, мазкур ўқув фанини янги педагогик технология тамойиллари асосида ўқитишга қаратилган илмий ва ўқув-услубий қўлланма ҳамда битта монография чоп этирилиб, таълим амалиётига татбиқ қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Ушбу тадқиқот иши натижаларининг ишончилиги унда илгари сурилган назарий қарашлар ва амалий таклифларнинг: республика ва халқаро миқёсидаги илмий анжуманлар материаллари, ОАК эътироф этган махсус республика ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография, илмий ва ўқув-услубий қўлланмаларда ўз аксини топганлиги; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, ўтказилган тажриба синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар асосида исботланганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти академик лицей ўқувчиларида геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришнинг асосий талаблари ва педагогик кўрсаткичларни аниқловчи мезонларнинг ўзаро алоқадорликда яратилганлиги, геометрия ўқув фанига технологик ёндашув тамойилларининг аниқланганлиги, дидактик ўқув топшириқларини тузиш усуллари белгиланганлиги, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчилар билимини назорат қилувчи ва педагогик технология имкониятлари асосида геометрия ўқув фани мазмуни ҳамда уни ўқитиш методикасининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тайёрланган «Узлуксиз таълим тизимида ўқув фанларининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти» номли монография, “Геометрик теоремаларни исботлашга ўргатувчи дастур” номли электрон ўқув-дастурий қўлланма, илмий ва ўқув-услубий қўлланмалардан академик лицейларда геометрия ўқув фанини ўқитиш сифатини яхшилашда, умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида таълим-тарбия ишларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Академик лицейларда геометрия ўқув фанини ўқитишда педагогик технологияларни қўллаш бўйича тадқиқот иши натижалари асосида:

Ўқувчиларда геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришнинг асосий талаблари ва ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқловчи педагогик мезонларнинг ўзаро алоқадорлиги ва дидактик ўқув мақсадлар асосида ўқув материални ўзлаштириш даражалари бўйича топшириқлар тузишга оид таклифлар академик лицейларда геометрия ўқув фани мазмунини ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 29 сентябрдаги № 89-03-2139 сон маълумотномаси). Мазкур илмий-методик таклиф ва тавсиялар академик лицейлар ўқитувчиларининг коммуникатив, ижодкорлик ва касбий компетентлилик сифатларини ривожлантиришга йўналтирувчи дидактик восита сифатида хизмат қилган.

Академик лицейлар геометрия фани ўқув мазмунини педагогик тамойиллар ва замонавий ахборот технология имкониятлари асосида геометрия ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялардан (ИТД-1-45) рақамли “Педагогик технологиянинг миллий модели асосида ўқув машғулотларнинг лойиҳасини тузиш ва амалиётда қўллаш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги № 89-03-897 сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган илмий ишланмалар математика таълимида илмий-назарий маълумотлардан кенг фойдаланиш, ўқув-методик таъминот яратиш ва ўқитиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Академик лицейларда педагогик технологиялар асосида геометрия ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва педагогик технология имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тафсиялардан А-1-33- рақамли “Олий таълим муассасаларидаги ўқув фанларининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти (“Математика ўқитиш методикаси” таълим йўналиши мисолида)” мавзусидаги 2015-2017 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳанинг 5.3 бандини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги № 89-03-897 сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тафсиялар академик лицейларда геометрия ўқитиш методикасини такомиллаштириш, педагогик имкониятларини кенгайтириш ва геометрия таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқотнинг мазмуни ва натижалари 3та халқаро, 13та республика илмий журналларда ҳамда 15та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари бўйича жами 34та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 дона монография, битта илмий ва ўқув-услубий қўлланма, битта дастурий қўлланма (бунинг учун давлат интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномаси олинган), Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 12та мақола: шулардан 9таси республика ва 3таси хорижий журналларда нашр эттирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 153 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати тўлиқ асосланган, тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар таҳлили ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари ва олинган натижаларнинг ишончилиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқот иши назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш натижалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Академик лицейларда геометрия ўқув фани мазмуни ва уни ўқитишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида академик лицейларда геометрия ўқув фанининг мазмуни, унинг ҳозирги ҳолати, геометрия ўқитиш методикаси бўйича бугунги кундаги мавжуд муаммолар, ўқувчиларнинг геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришга қўйиладиган асосий талаблар, ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқловчи педагогик мезонларни аниқлаштириш ва геометрия таълими мазмунига технологик ёндашув тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича методик тавсиялар баён этилган.

Ушбу бобда дастлабки изланиш натижалари сифатида: республика академик лицейларидаги геометрия таълими амалиётида ўқувчиларда геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришга кам эътибор қаратилиши; геометрия предметини ўқитишда педагогик технология имкониятларидан фойдаланиш талаб даражасида эмаслиги; ушбу фан бўйича замонавий талаблар асосида яратилган ўқув-методик қўлланмаларнинг камлиги; уни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг талаб даражасида эмаслиги; ўқитувчиларнинг анъанавий ўқитиш методларига ёпишиб олганликлари; ўқувчиларда эса таълим олишга бўлган мотивациянинг сустлиги; мазкур йўналиш бўйича олий ўқув юртларига кириш талаб даражасида эмаслиги каби муаммолар аниқланди.

Юқоридаги муаммоларни ўрганиб, ушбу йўналишда тадқиқот иши олиб бориш долзарб деган хулосага келдик. Дастлаб, ушбу йўналишда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинди. Жумладан, Н.А.Каллаур умумий ўрта таълим мактабларда геометрия фанини ўқитишда ахборот

технологиялари воситасидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот олиб бориб, унда тақдимот дастурлари имкониятларидан кенг фойдаланилган ҳолда геометрия ўқув фанидан дидактик ўқув материаллари тайёрлаш усуллари аниқланди. Н.Ғайбуллаевнинг умумий ўрта таълим ўқувчиларининг геометрия ўқув фанидан мантиқий билимларини ривожлантириш бўйича илмий ишлари таҳлил қилинди. Ж.Икромовнинг илмий тадқиқот ишларида умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни геометрия ўқув фанидан теоремаларни исботлашга ўргатиш усуллари аниқланди. Н.Жумабоев ҳам умумий ўрта таълим муассасалари геометриядан ўқувчиларни теоремаларни исботлашга ўргатишда ахборот технологияларидан фойдаланиш (планиметрия бўлими мисолида) бўйича тадқиқот ишларига муносабат билдирилди ва мазкур тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди.

Ушбу олимларнинг тадқиқот ишлари мазмунан мазкур диссертация мавзусига маълум даражада яқин бўлса-да, уларда академик лицейларда геометрия таълими тизимига тадқиқот объекти сифатида қаралмаган, бу жараёнда замонавий педагогик технологиялардан фойдалинишга эътибор берилмаган.

Республика академик лицейларида геометрия фанини ўқитишнинг амалдаги давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари, улар асосида яратилган «Геометрия» дарсликлари ва ўқув қўлланмаларнинг мазмуни, геометрияни ўқитиш методикаси билан боғлиқ қўлланмалар ўрганиб чиқилди, таҳлил қилинди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

геометрия таълими тизимда ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритиш, таҳлил қилиш, асослаш ва исботлаш кўникмаларини шакллантириш, айти пайтда, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга эътибор қаратилмаган;

геометрия ўқув фани бўйича ўқув дастурлари ва дарсликлариди мавзулар узвийлиги, узлуксизлигини таъминлаш назардан четда қолган;

академик лицейлар учун яратилган амалдаги «Геометрия» дарсликлари янгиланмаган, шу боис уларни ўқитиш билан боғлиқ методик ишланмалар ҳам замонавийлаштирилмаган;

амалда фойдаланиб келинаётган «Геометрия» дарсликларидаги мавзуларнинг кўп қисмида амалиёт билан назария уйғунлашмаган;

«Геометрия» дарсликлариди ўрганилиши керак бўлган ҳар бир мавзу бўйича таянч геометрик тушунчалар меъёридан ортиқ бўлиб, бу ўқувчиларнинг ўқув материалини тўлиқ ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатади.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг геометрик теоремаларни мустақил исботлаш ва масала ечиш

кўникмаларини шакллантиришга қўйиладиган асосий талаблар аниқланди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Ўқувчиларда геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришнинг асосий талаблари.**

Геометрия ўқув фанини ўқитиш мобайнида ўқувчиларни мантиқий ва дедуктив хулосалар чиқаришга йўналтириш, уларда теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантириш мазкур тизимдаги долзарб муаммолардан биридир. Ўқувчиларда мантиқий мулоҳаза юритиш, геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмаларини шакллантиришда ўқув материали бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларнинг ўзаро алоқадорлиги жуда катта аҳамият касб этади. Ўқувчиларда геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантириш учун, аввало, уларни назарий, амалий, мантиқий, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқара билиш кўникмаларини эгаллашга йўналтириш, билимлар сифатини оширишга эришиш тақозо этилади.

Шу боис, академик лицейларда ўқувчиларнинг геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантириш талаблари ва билимларни ўзлаштириш кўрсаткичлари (назарий, амалий, мантиқий, дедуктив ва индуктив хулосалар)ни аниқловчи педагогик мезонларининг ўзаро алоқадорлигини ҳам аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчиларнинг геометриядан теоремаларни мустақил исботлаш кўникмаси ва унинг

мазмунини ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқловчи педагогик мезонлар қуйидаги (назарий, амалий, мантиқий, дедуктив ва индуктив хулоса)ларни назарда тутди:

*назарий ўзлаштириш* – ўқувчиларда геометрик теореманинг шarti ва хулосасида қатнашаётган ҳар бир таянч тушунчанинг маъносини билишга, уларни аржрата олиш ва алгебраик ифодага олишга эришиш;

*амалий ўзлаштириш* – ўқувчиларда теореманинг шartiдаги маълум параметрлар ва хулосасидаги номаълум параметрларни аниқлай олиши, теоремани исботлашда қўлланилган усулларни тушуниш ва исботнинг бошқа усулларини топа олишга эришиш;


*мантиқий ўзлаштириш* – ўқувчиларнинг геометрик теорема шarti ва унинг хулосаси нимадан иборат эканлигини тўлиқ тушунишларига эришиш, теореманинг шartларидан келиб чиқиб хулосаси тўғрилигини кўрсатувчи натижаларни келтириб чиқара олиш, мантиқий мулоҳаза юритиб унинг шartларидан тўлиқ фойдалана олишга эришиш;

*Дедуктив хулоса қилиш* – ўқувчиларда теоремада исботлаш талаб қилинган хулосани аввалдан маълум бўлган аргумент (таянч теорема, хосса, аксиома)лардан фойдаланиб хулосалар келтириб чиқара олиш кўникмасини шакллантиришга эришиш.

*Индуктив хулоса қилиш* – ўқувчиларга теоремада исботлаш талаб қилинган хулосани унинг айрим ёки хусусий ҳолатларига асосланиб умумий хулоса чиқаришни ўргатишга эришиш.

Ўқувчиларда геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришнинг *квалиметрик кўрсаткичи* теорема мазмунидаги ҳар бир геометрик тушунчанинг маъносини англаш, унинг шartiда қатнашаётган тушунчаларни фарқлаш, аввал ўзлаштирилган тушунча ва теоремаларга таянган ҳолда шartлардан хулосанинг тўғрилигини кўрсатувчи натижаларни келтириб чиқаришни назарда тутди.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда академик лицейларнинг геометрик таълими мазмунига технологик ёндашув тамойилларини сингдириш ва бунда ўқувчиларнинг геометрик теоремаларни мустақил исботлаш ҳамда масала ечиш кўникмаларини шакллантиришда: теорема мазмунидаги асосий таянч тушунчалар ҳақида назарий ва амалий билимга эга бўлиш, теорема исботида асос бўладиган таянч теорема, аксиомалар ҳақида назарий ва амалий билимга эга бўлиш, теоремада шart ва хулоса қисмларини ажрата олиш, теоремада мантиқий хулосаларни аниқлай олиш, теоремани исботлашда дедуктив ва индуктив хулоса чиқара олиш талаблари ҳамда ўқувчиларнинг геометриядан ўқув материалини ўзлаштиришнинг педагогик кўрсаткич мезонлари ўзаро алоқадорлигига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга (2-расмга қarang).



**2-расм. Геометрия ўқув фани мазмунига технологик ёндашиш тамойиллари.**

Мазкур педагогик тамойиллар академик лицейларда геометрия ўқитишнинг методик тизимини такомиллаштиришда, геометрия таълими

сифатини оширишда, ўқувчиларни мантикий фикрлаш, теоремаларни мустақил исботлаш ва масала ечишда улардан фойдалана олиш кўникмаларини шакллантиришда ҳамда янги ўқув адабиётларни яратишга кўйиладиган талабларни белгилашда муҳим дидактик восита сифатида хизмат қилади. Бу тамойиллардан, нафақат геометрия, балки математика ва физика ўқув фанларини ўқитишда ҳам ўқувчиларнинг теоремаларни мустақил исботлаш ва улар ёрдамида масала ечиш кўникмасини шакллантиришда фойдаланиш юқори самара беради.

Диссертациянинг **“Академик лицейларда геометрия фанини педагогик технологилар асосида ўқитиш жараёнини лойиҳалаштириш”** деб номланган иккинчи бобида геометрия ўқув фанидан дидактик ўқув мақсадларини ўзлаштириш даражалари асосида ўқув материали ва топшириқлар тузиш усуллари, академик лицей ўқувчиларини геометрия ўқув фанидан замонавий ахборот технологиялари воситасидан фойдаланиб, ўқувчиларда теоремаларни исботлаш кўникмасини шакллантиришни лойиҳалаш ва педагогик технология имкониятлари асосида академик лицейларда геометрия ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсиялар баён қилинган.

Академик лицей ўқувчиларида геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантириш мақсадида: ўқув материални табақалаштириш; индивидуаллаштириш; бу жараёнда таянч тушунча ва таянч теоремаларни ажратиш; уларни босқичма-босқич ўзлаштириш устуворлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.


Юқорида келтирилган **геометрик ўқув материалларини табақалаштириш** тушунчаси – ўқув мақсадига эришиш даражалари (билиш, тушуниш, амалда қўллаш, таҳлил қилиш, синтезлаш ва хулосани келтириб чиқариш) кетма-кетлиги бўйича ҳар бир ўқувчини ўзлаштириш имконияти доирасида, босқичма-босқич ишлата билишда асос бўлувчи ўқув материали ва топшириқлар тизимини тайёрлашни англатади.

**Геометрик ўқув материалларини индивидуаллаштириш** деганда ҳар бир ўқувчига унинг интеллектуал имкониятлари даражасида, яъни ўзлаштиришни билиш, тушуниш, амалда қўллаш, таҳлил қилиш, синтезлаш ва хулоса чиқариш имкониятларига таянган ҳолда, индивидуал тарзда ўқув материали ва топшириқлар тайёрлаш тушунилади.

**Таянч тушунча ва таянч теоремаларни ажратиш** деганда эса ўрганилаётган теорема мазмуни ва исботидаги асосий геометрик тушунчалар ва теоремани исботлаш жараёнида асос бўладиган теорема ёки хоссаларни ўргатиш англашилади.

**Босқичма-босқич ўргатиш** эса ўрганилаётган геометрик теоремани тўртта босқич (3-расмга қаранг)га ажратиб ўргатишни назарда тутди.





**3-расм. Замонавий ахборот технологиялар воситасида ўқувчиларда теоремаларни исботлаш кўникмасини шакллантиришни лойиҳалаш модели**

Ушбу расмда акс этган **I босқичда** – ўқув материаллари берилган теореманинг мазмуни ва исботидаги таянч тушунчалар асосида ўзлаштирилади. Ўзлаштириш кўрсаткичи ҳар бир ўқувчининг дидактик ўқув мақсадига эришиш учун билиш ва тушуниш даражаси асосида тузилган топшириқлар ёрдамида аниқланади.

**II босқичда** – берилган теорема мазмуни ва исботидаги таянч теорема, аксиома ва хоссалар асосида ўзлаштирилади ҳамда ўзлаштириш кўрсаткичи амалда қўллаш, таҳлил қилиш, дидактик ўқув мақсадларини ўзлаштириш бўйича тузилган топшириқлар асосида аниқланади.


**III босқичда** – берилган теоремани исботлаш кўникмаси шакллантирилади ва ўзлаштириш кўрсаткичи синтезлаш, хулосани келтириб чиқариш кўникмаларини ўзлаштириш даражалари асосида тузилган топшириқлар кўмагида маълум бўлади.

**IV босқичда** эса – берилган теоремани исботлашнинг бошқа усуллари ва теорема ёрдамида масалалар ечиш кўникмаси шакллантирилади.

Юқорида баён қилинган геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришга қўйиладиган асосий талаблар, педагогик кўрсаткичларни аниқловчи мезонлар ва таълим мазмунига технологик ёндашув тамойиллари асосида ўқувчиларда теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда шакллантириш жараёнини лойиҳалаштириш модели яратилди(3-расм).

Академик лицейларда геометрия ўқитиш методикасини педагогик технологиялар асосида такомиллаштиришда қуйидаги асосий педагогик омиллар муҳим восита ҳисобланади: дидактик ўқув мақсадларини ўқувчиларнинг назарий, амалий, мантиқий ва хулоса қилиш каби билим ва кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш; геометрик ўқув материаллар мазмунини тизимлаштириш (ҳар бир босқич натижалари кўрсатилган ҳолда); геометриядан ўқув материаллари ва топшириқларни ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мослаштирган ҳолда табақалаштириш; геометрик ўқув материалларни интерактив методлар асосида шакллантириш; геометрия ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш; ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш учун зарур бўлган педагогик мезонларни аниқлаш; геометрик ўқув материалларни технологик ёндашув тамойиллари асосида ишлаб чиқиш.

Тадқиқотда илгари сурилган назарий қарашлар асосида академик лицейларда геометрия ўқитиш методикасини такомиллаштириш модели (4-расмга қаранг) яратилди.



**4-расм. Геометрия ўқитиш методикасини педагогик технологиялар асосида такомиллаштириш модели.**

Юқоридаги тавсиялар асосида геометрия ўқув фанидан дидактик ўқув мақсадлари асосида ўқув материалини ўзлаштириш даражалари бўйича топшириқлар тузиш усуллари, таълимда замонавий ахборот технологиялари

воситасидан фойдаланишда ўқувчиларни геометриядан теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантириш (ўқув материални: таянч тушунча ва таянч теоремаларга ажратиб ўргатиш, босқичма-босқич ўзлаштириш) хусусиятларига эътибор қаратиш ва педагогик технология имкониятлари асосида геометрия ўқитиш методикаси академик лицейларда геометрия таълим жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг учинчи «**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари**» деб номланган бобида тадқиқот муаммолари бўйича педагогик тажриба-синов ишлари босқичлари, эксперимент жараёнида олинган натижалар ва уларни математик статистик ишлаш усуллари баён қилинган.

Педагогик тажриба-синов ишлари қуйидаги тўрт босқичда амалга оширилди:

*1-босқич (2011–2012 йиллар)*да тажриба-синовни ўтказиш дастури ишлаб чиқилди. Мавзуга доир назарий-методик адабиётлар билан танишилди;


*2-босқич (2013–2014 йиллар)*да педагогик эксперимент ишларини амалга ошириш учун тажриба майдонлари белгиланди ва академик лицейларда аниқ фанлар йўналишида ўқитиладиган геометрия ўқув фани дастури, ўқув режалари, дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларида келтирилган ўқув машғулотларининг мақсади, вазифалари ва мазмуни аниқланди, ўқитувчи фаолияти ўрганиб чиқилди, тадқиқот муаммосига оид педагогик, психологик ва методик адабиётларнинг мазмуни таҳлил қилинди ва геометрия ўқув фани таълимида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати ўрганилди;

*3-босқич (2014–2015 йиллар)*да тажриба-синов ўтказиш учун методик қўлланмалар тайёрланиб экспериментатор ўқитувчиларга етказилди, уларга диссертациянинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда методик маслаҳатлар берилди, бошқа бир қатор қўшимча тадбирлар амалга оширилди;

*4-босқич (2015–2017 йиллар)*да эса академик лицейларда ўқитиладиган геометрия ўқув фани бўйича тайёрланган илмий ва ўқув услубий ишланмалар бўйича дарслар ташкил этилди ва олинган натижалар умумлаштирилди. Тажриба-синов натижаларини “5” баллик тизимда баҳоланиб, математик-статистик методига асосланди.

Педагогик тажриба-синовни ўтказишда биз математик-статистика таҳлилини қуйидаги тартибда олиб борилди: ҳар бир гуруҳ учун ўртача ўзлаштириш, ўрта арифметик усулда аниқланиб, уларнинг нисбий ва ўртача айирма коэффициентлари таққосланди; ўзлаштириш натижаларини янада чуқурроқ таққослаш мақсадида тажриба-синов гуруҳларида ўзгарувчанлик вариация кўрсаткичлари ҳисобланди ва ҳар бир гуруҳга мос келган бош тўпламлар ўртачалари ҳақида хулосалар чиқарилди; ҳар бир гуруҳ танланма тақсимотлари полигонларини чизиб, бош тўпламлар ўрта қиймати тенглиги ҳақидаги гипотезани текширишнинг “Хи квадрат” усули тақсимот мезони асосида олиб борилди; юқоридаги тартибда олиб борилган математик-статистика методи натижаларидан тегишли хулосалар чиқарилди. Тажриба-

синов ва назорат гуруҳларига мос келган бош тўпламларни солиштирамиз. Бу мақсадда ҳар бир гуруҳга мос келувчи диаграммаларини чизамиз (5-расмга қаранг).



5-расм. Ҳар бир гуруҳга мос келувчи диаграммалар.

Ҳар икки гуруҳ ўзлаштириш диаграммаларидан кўринадики, уларга мос келган бош тўплам тақсимот қонунлари ва ўртача қийматлари турлича экани ҳақидаги гипотезани олдинга ташлаш мумкин.  $\chi_{т.с}^2 < \chi_{кр}^2$  бўлган ҳолда,  $H_0$ –нолинчи гипотезага қарама-қарши бўлган  $H_1$  гипотеза қабул қилинади.  $H_1$  ни  $H_0$  га қарши текшириш учун К.Пирсоннинг “Хи квадрат” мезонини қўллаб,  $\chi_{т.с}^2 = \sum_{i=1}^4 \frac{(n_i - n'_i)^2}{n'_i} = 1,14$  ва  $\chi_{кр}(0,05;1) = 3,8$  эканлигидан  $\chi_{т.с}^2 < \chi_{кр}^2$  демак,  $H_1$  гипотезани 95 % ишонч билан қабул қилиш мумкин эканини кўрсатади. Бу натижалардан, тажриба-синов гуруҳидаги ўқувчиларнинг геометрия ўқув фанидан ўқув материални ўзлаштириш, теоремаларни мустақил исботлаш ва уларни масалалар ечишда қўллай олиш кўникмалари шаклланганлиги ҳамда ушбу гуруҳдаги ўқитиш методикаси самарали эканлиги келиб чиқади.

## ХУЛОСА

Мамалакат таълим тизимида олиб борилаётган кенг сиёсий ва ижтимоий ислохотлар доирасида академик лицейларда таълим, хусусан, геометрия ўқитиш сифатини ошириш, геометрик таълим жараёнига илғор педагогик усуллар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ қилиш, геометрия ўқув фанини педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш давр талабидир. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот натижалари юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Академик лицейларда геометрия таълимини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган ушбу тадқиқот иши шу соҳадаги дастлабки уриниш бўлиб, у нафақат академик лицейларда, балки умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришга педагогик воситалардан бири сифатида хизмат қилади.

2. Академик лицейлар геометрия фани ўқув мазуни ўқув материални табақалаштириш, индивидуаллаштириш, таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражалари билан боғлаш, ўзининг ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва

қайта ўзлаштиришга имконият яратишга йўналтирилган технологик ёндашиш тамойиллари асосида такомиллаштирилди.

3. Тадқиқот иши илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган геометрия фани ўқув жараёнининг методик тизимига технологик ёндашиш тамойиллари ва шу асосида ишлаб чиқилган ўқув-методик ишланмалар, топшириқлар тўплами ва электрон қўлланмалар татбиқ қилинди, шулар асосида республикаимиз академик лицейларида геометрия таълим самарадорлигини оширишга эришилди.

4. Академик лицейлардаги геометрия ўқув фани мазмуни дидактик ўқув мақсадлари асосида ўқув материални ўзлаштириш даражалари бўйича топшириқлар тузиш усуллари ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилди.

5. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқувчиларнинг геометрик теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантириш хусусиятлари устуворлиги асосида ўқувчилар билимини назорат қилиш жараёни такомиллаштирилди.

6. Геометрия ўқув фанини ўқитишда замонавий ахборот технологиялари воситаси имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқув материални ўзлаштириш имконияти ортди.

7. Геометрия таълими жараёнида педагогик технология имкониятлари устуворлигини таъминлаш асосида академик лицейларда геометрия ўқитиш методикаси такомиллаштирилди.

8. Академик лицейларда геометрия фанини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланишга оид дидактик ишланмалар ва ўқув машғулотларини лойиҳалаш бўйича илмий асосланган методик тавсиялар геометрия ўқитиш методикасини такомиллаштиришга муҳим восита сифатида хизмат қилди.

9. Тадқиқот ишида келтирилган методик таклиф ва тавсиялар геометрия фани ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ошириш, ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини ривожлантириш, фанни ўқитиш сифатини ошириш бўйича методик ишланмалар ишлаб чиқиш, маъруза ва амалий ўқув машғулотларининг лойиҳалаш, академик лицейларда геометрия ўқитиш сифатини оширишда, илм-фан ҳамда таълим-тарбияни ривожлантиришда маълум даражада хизмат қилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТУРДИБОВ ДИЛШОД ХАМИДОВИЧ**

**ПРАКТИКА И МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ГЕОМЕТРИИ В  
АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ С ПРИМЕНЕНИЕМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

**13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (математика)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд — 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Ped322.**

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Тожиев Мамаражаб,</b> доктор педагогических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Сатторов Эрмамат Норкулович</b> доктор физико-математических наук, профессор <b>Тайлаков Норбек Исокулович</b> доктор педагогических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Андижанский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_ часов на заседании разового совета Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университет хиебони, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №\_\_\_). Адрес: 140104, город Самарканд, Университет хиебони, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г.).

**Х.И.Ибраимов**  
председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.п.н., профессор

**Ш.Ураков**  
учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
доктор философии (PhD) по  
педагогическим наукам

**Н.Ш.Шодиев**  
председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.п.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мировом масштабе на образование смотрят как на основной фактор, гарантирующий будущее развитие государства, в связи с чем проводятся широкие искания по внедрению педагогических технологий в содержание образования, в частности, обогащению содержания обучения геометрии с теоретической и практической стороны, повышению возможностей современного учебно-методического обеспечения учебного предмета геометрии, организации и усовершенствованию обучения, специализирующегося на точных науках. В частности, в таких развитых странах, как США (Jackson Middle School—A speciality School for math), Германия (Bilingual School), Великобритания (Early Colleges High School) важное значение имеет организация образовательного процесса на основе интеграции дифференцированного и индивидуального подходов и их внедрения в практику.

В мировой практике в качестве основного критерия определения качества знаний учащихся общеобразовательных школ и специализированных лицеев по учебному предмету геометрия выступают теоретические знания и практические навыки по учебному предмету геометрия, логическое мышление, уровень сформированности таких навыков, как умение самостоятельно доказывать геометрические теоремы, самостоятельно решать задачи. Здесь обосновываются внедрение в содержание учебного предмета геометрия приоритета принципов технологического подхода, формирование у учащихся навыков самостоятельного доказательства геометрических теорем с использованием современных информационных технологий, создание системы специальных заданий в целях достижения дидактических учебных целей по учебному предмету геометрия, усовершенствование науки методики преподавания геометрии на основе современных педагогических технологий.

В рамках широко проводимых политических и социальных реформ в жизни государства реализуется масштабная работа по созданию необходимых условий для повышения качества образования академических лицеев по направлениям, внедрения передовых педагогических и информационно-коммуникативных технологий в образовательный процесс, а также электронных образовательных ресурсов.

В качестве одного из основных направлений в пункте 3.4 Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан в 2019 – 2021 годах обозначено «Улучшение качества обучения путем совершенствования системы образования и развития человеческого капитала посредством внедрения в учебно-воспитательный процесс новых образовательных программ, современных педагогических технологий и smart-технологий»<sup>2</sup>. Выполнение задач, обозначенных в данной стратегии, возлагает большую

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы»//Газета «Халк сузи», 22 сентября 2018 г.

ответственность на всех учителей-предметников и научных соискателей, ведущих исследовательскую работу в этой сфере. Внимание обращено на повышение качества внедрения педагогических и информационных технологий в обучение дисциплин на основе передового зарубежного опыта. С этой точки зрения актуальным является выявление проблем и поиск их решения, связанных с внедрением в практику использования педагогических технологий в образовании геометрии, избранием в форме широкого содержания и глубокого с теоретической и практической сторон учебных материалов, где теоретические знания по учебной дисциплине геометрии связаны с практикой и приведены в единую систему для донесения до учащихся специализированных академических лицеев.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года за № УП-4947, «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы» от 21 сентября 2018 г. за № УП-5544, а также в постановлении Кабинета Министров РУз «Об утверждении государственных образовательных стандартов среднего и среднего специального, профессионального образования» за № 187 от 6 апреля 2017 года и в других нормативно-правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** До сегодняшнего дня был проведен ряд научных изысканий во всех отраслях системы образования республики, в частности, касающихся обучения предмету математики по направлениям общего среднего образования, академических лицеев и профессионального обучения. В частности, такие ученые, как Ж.Икромов, Н.Гайбуллаев, Д.Юнусова, Х.И.Ибрагимов, Н.Шодиев, М.Баракаев, Б.Абдуллаева усовершенствовали методику обучения математике, М.Тожиев, А.Ортикбоев, Н.Жумабоев, Ч.Э.Мирзаев, С.Алихонов, И.Исроилов, З.Пашаев с теоретико-методической и практической сторон развили обучение предмету геометрии во всех направлениях образования, а такие специалисты, как Р.Х.Жураев, Ф.Зокирова, У.Ш.Бегимкулов, Н.И.Тайлоков, А.А.Абдукодилов, Б.Зиёмухаммедов, Ж.Толипова, М.Файзиев, Т.Гоффорова исследовали вопросы применения педагогических и информационно-коммуникационных технологий в данном направлении. В определении предмета, цели и задач данной исследовательской работы были использованы в качестве руководства теоретические и практические взгляды вышеприведенных ученых.

В зарубежных странах проводили научно-исследовательские работы следующие ученые в определении методологических основ обучения Я.А.Коменский, Ю.К.Бабанский, Ю.М.Колягин, М.И. Махмутов, И.Я.Лернер, П.Я.Гальперин, В.А.Извозчиков, Г.К.Селевко, Е.Н. Рогановская в частности, усовершенствованием методики обучения учебного предмета геометрии занимались такие исследователи А.Н.Колмогоров, А.Погорелов, Л.С.Атанасян, А.П.Ершов, Р.В.Гангус, А.П.Киселев, Н.А.Каллаур, Я.И.Перельман, М.В.Егупова, С.Н.Скарбич, С.Г.Манвелов, Е.А.Пахомова, Ю.В.Герман, Б.Г.Зив, Э.И.Айвазян, Ю.А.Бурлев, Г.А.Буткин, Е.С.Ветошкина, Ф.Н.Гоноболдин в технологизации образовательного процесса В.П.Беспалько, М.В.Кларин, Е.И.Машбиц, И.В.Роберт, Z.Robert, А.И.Жук В диссертационной работе были использованы в общем виде также исследования этих ученых.

